

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

549 2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2055*

(2009 йил 27 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда) 6-моддаси асосида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 164-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор билан тасдиқланаётган давлат статистика ҳисоботларининг йиллик шакллари — 2009 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари — 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

3. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4-сонли «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1880, 2008 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 51-сон, 506-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

Раис

Ғ. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 ноябрь,
4-сон

* 1 — 164-иловалар берилмайди.